



“Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцина”си билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”¹.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ТАЪСИРЧАН ПАРЛАМЕНТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИГА ОИД

*Хушвақт ХАЙИТОВ,
юридик фанлар доктори, доцент;
Қудрат САДУЛЛАЕВ,
юридик фанлар номзоди —
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси*

Коррупцияга қарши курашиш ҳар бир давлат олдидаги доимий ва узлуксиз вазифадир. Чунки коррупциянинг мавжуд бўлиши давлат ва жамият ишларини ташкил этишга тўсқинлик қилади. Мамлакатимизда давлат ва жамият бошқарувини янада демократлаштириш ҳамда модернизация қилиш, давлат бошқаруви соҳаларини либераллаштириш шароитида давлат хизматчилари томонидан порахўрлик, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этилиши давлат ҳокимиятининг обрўсизланишига, давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимида путур етишига, давлат ҳокимияти фаолиятининг самарасизлигига сабаб бўлади.

Шунингдек, коррупциянинг ривожланиши давлат томонидан олиб борилаётган ислохотлар натижаларига салбий таъсир кўрсатади.

Коррупцияга қарши курашишда давлат органлари томонидан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чоратадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 й. 24 январь // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти — president.uz.





таъминлаш каби чора-тадбирлар орқали амалга оширилади².

Коррупцияга қарши курашиш тизими самардорлигини ошириш мақсадида 2019 й. 27 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб, коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимли вазифалар белгиланди³. Унга кўра, 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури тасдиқланди. Мазкур дастурнинг устувор йўналишлари этиб, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, имконият яратувчи сабаблар, шарт-шароитлар ва оқибатларини бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни кучайтириш белгиланди.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва коррупцияга қарши курашиш бўйича 2020 й. 11 февралдаги йиғилишда коррупцияга қарши курашишга масъул бўлаган ҳамда барча куч ва воситаларга эга бўлган алоҳида органни ташкил этиш бўйича таклифи мамлакат тарихида коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим аҳамият касб этди. Шунга мувофиқ, 2020 й. 29 июнда Ўзбекис-

тон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги тузилмаларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун муайян вақт ва тажриба ҳам зарур. Бундан ташқари, ушбу муаммони бартараф этиш фақат махсус идоралар иши, деб қараш нотўғри бўлади. Шу боис, мазкур салбий ҳолатларни бартараф этишда парламент ва жамоатчилик назорати имкониятларидан ҳам самара фойдаланиш зарур.

Бунинг учун бизда барча зарур ҳуқуқий асослар яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги ва “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунлари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши назорат фаолиятини олиб боришга оид нормалар белгиланган.

Қонунчиликка кўра парламент назоратини олиб боришга ваколатли субъектлар давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Шундан

² Батафсилроқ қаранг: Коррупцияга қарши курашиш – жамият ва давлат хавфсизлигининг гарови // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society. – 2016. – №1. – Б.61; Вопросы ускорения сотрудничества государственных и неправительственных организаций в борьбе с коррупцией // – 2020. – №2. – С.77-83; Институты гражданского общества в целостной системе дальнейшего углубления и усиления борьбы с коррупцией. К постановке вопроса // – 2012. – №2. – С.84-88; Комплексный подход к проблеме противодействия коррупции: опыт Узбекистана и зарубежных стран // – 2020. – №2. – С.69-72; Коррупцияга қарши кураш соҳасидаги социологик тадқиқотлар // – 2018. – №3. – Б.23-26; Коррупцияга қарши курашишда кадрлар тайёрлаш масалаларига оид // – 2020. – №2. – Б.25-27 ва бошқ.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси”нинг веб-сайти – www.lex.uz.



кўринадик, парламент назорати 2017 йилги Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ижроси юзасидан ҳам ўтказилади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, парламент назорати тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг, суриштирув ва тергов органларининг, судларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларни, шунингдек, ижро иши юритиш ҳамда нотариал иш юритишнинг муайян материалларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолият устидан олиб борилмайди. Чунки, ушбу тартиб ҳокимиятлар бўлиниши принципи ҳамда одил судловни таъминлаш мақсадида жорий этилган.

Сўнгги йилларда парламент назорати сифат ва таъсирчанлиги ошиб бормоқда. Бироқ, ушбу йўналишдаги ишларни янада кучайтириш зарур. Чунки, **айрим ҳолларда фуқароларнинг шикоятлари юзасидан таъсирчан чоралар кўрилмайди ёки уни бошқа органларга кўриб чиқиш учун юбориш билан чекланилмоқда. Аксинча, парламент барча қонуний воситаларни ишга солиши, коррупцияни вужудга келтираётган сабабларни бар-тароф этиш чораларини кўриши лозим.**

Яна бир муҳим масала. 2018 й. 12 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ амалга ошириладиган жамоатчилик назорати коррупцияга қарши муҳим воситадир. Ушбу Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотажорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари коррупцияга қарши кураш бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳақлидирлар. Мазкур қонунда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг шакл ва усуллари, тартиб-таомиллари белгилаб қўйилган-ки, бу ушбу йўналишда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Қайд этиш ўринлики, **жамоатчилик субъектлари томонидан коррупцияга қарши олиб борилаётган ишлар ҳақида расмий маълумотлар мат-**

буотда эълон қилиб борилиши керак. Ўйлаймизки, ушбу амалиёт фуқароларнинг коррупцияга қарши фаоллигини оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, **коррупция ҳолатларини аниқлашга ёрдам кўрсатувчи “холис фуқаро” тизимини жорий этиш, бунда коррупция ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чораларини кўриш лозим.**

Алоҳида қайд этиш лозимки, коррупциянинг олдини олишда нодавлат нотажорат ташкилотларининг иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Қонунчиликда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотажорат ташкилотлари ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишда иштирокига алоҳида эътибор қаратилган. Афсуски, ушбу ҳуқуқни амалга ошириш тартиби ҳақида мазкур субъектларнинг кўпчилигида кўникма етарли эмас.

Бизнингча, жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг намоён бўлишига йўл қўймаслик, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг барча шаклларига нисбатан муросасиз муносабат қарор топади. Мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

Биринчидан, давлат хизматчилари фаолиятини шаффоф тарзда ташкил этиш мақсадида **давлат хизматчиларининг даромадлари, молмулки ва манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш тартибини ҳуқуқий жиҳатдан ба-тафсил белгилаш;**

Иккинчидан, бугунги кунда қонунчиликда таълим ва қурилиш соҳаларида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси амалга оширилмоқда. **Бизнингча, “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси барча соҳаларда бўлиши керак.** Шу боис, мазкур йўналишда намунавий лойиҳа ишлаб чиқиш ва уни барча ва-зирлик ва идоралар фаолиятига жорий этиш;

Учинчидан, **коррупция ҳолатларини аниқлашга ёрдам кўрсатувчи “холис фуқаро” тизимини жорий этиш,** бунда коррупция ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ҳамда пора берилиши ҳақида



хабар қилган давлат хизматчилари, шунингдек, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликлар ҳақида тасдиқланган хабар берган шахсларни рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқиш;

Тўртинчидан, давлат хизматчиларининг айрим ноқонуний ҳаракатлари коррупция деб, ҳисобланмаса-да, унда коррупциявий аломатлар мавжуд бўлади. Масалан, давлат хизматчиси учинчи шахс фойдасига ноқонуний қарор қабул қилиши мумкин. Шу сабабли, **қонунчиликда коррупциявий қилмишларнинг рўйхатини белгилаш зарур. Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда давлат хизматида манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бермаганлик учун мансабдор шахсларга маъмурий жавобгарлик чораларини белгилаш;**

Бешинчидан, мансабдор шахсларнинг қарор қабул қилишдаги масъулиятини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунида маъмурий ҳужжатни бекор қилиш, ўзгартириш ёки ҳақиқий эмас деб топишнинг асоси сифатида мансабдор шахснинг манфаатлар тўқнашуви ҳолатида маъмурий ҳужжат қабул қилишини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги ҳар бир давлат хизматчисининг ўзига юклатилган вазифани сидқидилдан, ҳалол адо этиши, унинг олдини олиш бўйича профилактик чораларни кўришни талаб этади. Бу мамлакатимизда соғлом муҳит қарор топишига, ижтимоий-сиёсий барқарорлик янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Акмал Бурхонов, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори: “Президентимиз томонидан Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий дастур қабул қилинган эди. Энг катта эътибор таълим, соғлиқни сақлаш ва қурилиш соҳаларига қаратилиб, “Коррупция-

сиз соҳа” лойиҳалари амалга оширилди. Биз шу даврга келдик-ки, фақат маиший коррупцияни эмас, балки давлат харидлари, халқаро грантлар, халқаро қарзларнинг коррупциясиз бўлиши масалаларини ҳам кўриб чиқиш вақти келди. Ҳамма соҳага бирдек эътибор қаратилмаса, тизимларни коррупциясиз қилиш қийин. Бу комплекс амалга оширилиши керак”⁴.

Дилдора Бозорова, Тошкент давлат юридик университети Жиноят-процессуал ҳуқуқи ва криминалистика кафедраси мудири: “Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳақли равишда таъкидлаб ўтганидек: “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз”. Зеро, ҳалоллик мавжуд бўлган тизимда ривожланиш билан биргаликда давлат хизматчиларининг фаолияти ҳам самарали ва натижали бўлади. Бунда энг муҳим жиҳат, шаффоф ва очиқ руҳдаги соғлом муҳитни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Давлат тизимида фаолият юритаётган давлат хизматчилари виждонан ва ҳалоллик билан фаолият юритишмаса, тизим инқирозга юз тутиши муқаррар”⁵.

Фируз Маҳмудов, Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази директори ўринбосари: “Маълумки мамлакатимизда таълим олишга, хусусан юридик таълимга бўлган талаб юқори. Юқори малакали юридик кадрларга эса ҳамма жойда бўлгани каби юртимизда ҳам талаб юқори. Шундан келиб чиққан ҳолда, юридик хизматда фаолият юритиш учун малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида Профessional ўқитиш Марказида Олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курслари ташкил этилган.

⁴ Афсуски, деярли барча соҳаларда коррупция аломатларини сезиш мумкин. 2020 й. 17 июль // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА)нинг веб-сайти — www.uza.uz.

⁵ Қандай инсон “ҳалоллик вакцинаси” билан “эмланган” ҳисобланади? 2020 й. 27 июль // www.uza.uz.



Айтиш керакки, “Таълим тизими коррупциядан ҳоли”, “Коррупциясиз соҳа” каби шиорлар остида мамлакатимизда коррупцияга қарши кескин кураш олиб борилаётган бир шароитда юқорида санаб ўтилган ишларни амалга ошириш ўта долзарбдир. Бу каби ишларни оммалаштириш, таълим муассасаларида мавжуд тажрибаларни ўзаро алмашиш ҳам бугунги кун талабларидан биридир”⁶.

Мақола ПЗ-20170926317 “Ўзбекистонда давлат хизмати тизимини ривожлантириш истиқболлари ҳамда давлат хизматчиларини тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйишни тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида нашр этилган.

Тавсия этилаётган қўшимча манбалар:

Вахтина М.А. Роль общественного контроля в противодействии коррупции // Гуманитарные балканские исследования. – 2020. – Т.4. – №3(9). – С.77-80.

Frederick Stapenhurst, Anthony Staddon, Rasheed Draman & Louis Imbeau. Parliamentary oversight and corruption in the Caribbean: comparing Trinidad & Tobago and Grenada // Commonwealth & Comparative Politics. – 2018. – Vol.56. – Issue 4.

Prinz Parungao Magtulis & John Lourenze Poquiz. Big Government, Big Corruption? Examining the Relationship between Government Size and Public Corruption in the Philippines // International Journal of Public Administration. – 2017. – Vol.40. – Issue 11.

Об эффективном парламентском и общественном контроле над предотвращением коррупции

Хушвакт ХАЙИТОВ,

доктор юридических наук, доцент;

Кудрат САДУЛЛАЕВ,

кандидат юридических наук —

Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Ключевые слова: государственная служба, должностное лицо, законность, этика, ответственность, конфликт интересов, декларация о доходах, зона без коррупции, сфера без коррупции.

Краткое содержание. Рассмотрены специфика упомянутых видов контроля в контексте реализации принципа разделения властей, деятельность средств массовой информации, негосударственных некоммерческих организаций, функционирование системы «беспристрастный гражданин», ключевая роль Агентства по противодействию коррупции Республики Узбекистан, представлены предложения по совершенствованию законодательства и правоприменительной практики.

On effective parliamentary and public control over the prevention of corruption

Khushvakt HAYITOV,

Doctor of Law, Associate Professor;

Kudrat SADULLAYEV,

PhD in Law —

Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Keywords: civil service, official executive, legality, ethics, responsibility, conflict of interests, declaration of income, corruption-free zone, corruption-free sphere.

Summary. The researchers discuss the specifics of parliamentary and public control in the context of the implementation of the principle of separation of powers, activities of the media, non-governmental non-profit organizations, functioning of the system “impartial citizen”, the key role of the Anti-Corruption Agency of the Republic of Uzbekistan, offer proposals for improving legislation and law enforcement practice.

⁶ Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш борасида қандай ишлар қилинмоқда? 2020 й. 3 март // www.uza.uz.